

ЎЗБЕК ВА КОРЕЙС ТИЛИДА КОМПАРАТИВ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

И.Ф. Баёнханова,
СамДЧТИ ўқитувчиси.

Ҳар бир тилда одамлар нарса ва ходисалар дунёсига нисбатан ўз муносабатларини образли, ҳиссий таъсирчан, ҳаяжонли тарзда ифода этиш мақсадида турли-туман муқоясага асосланган лисоний воситалардан фойдаланадилар ва натижада компаратив фразеологизмлар ҳосил бўлади. Қиёсланаётган шахс, нарса, ҳислат-хусусият, воқеа-ҳодиса ва табиат манзаралари кўпинча муқолаға (метафора) тарзда тингловчига яхши таниш бўлган образлар билан муқояса қилинади. Натижада тасвир янада ойдинлашади, ифоданинг образлиги ошади, юқори таъсирчанлик ва ҳиссий туйғу вужудга келади.

Бадий муқояса, одатда, муқояса субъекти, муқояса объекти, ҳамда муқоясани вужудга келтирувчи белги-аломатлар асосида яратилади. Бошқача айтганда, муқоясанинг биринчи компоненти (субъект) ўзининг асосий маъносида қўлланилиб, иккинчи компоненти (объект) эса муқояса нимага қиёсланаётганини билдирувчи сўздан иборат бўлади. Бундай тил воситалари компаратив фразеологик бирликлар деб юритилади.

Бундай барқарор воситалар ўзбек тилида «худди», «каби», «бамисоли», *гўёки*», «сингари», «айнан» каби боғловчилар ва «-дек», «-дай» «каби» қўшимчалар, корейс тилида эса «*처럼*», «*같은*», «*는 만큼*» ёки қўшимчаларсиз қўлланилиши мумкин.

Кишиларнинг табиат ва жамиятдаги нарса ва воқеа-ҳодисаларни ҳайвонат олами, ўсимликлар дунёси, табиат ҳодисалари билан муқояса қилишлари натижасида юзага келган турғун бирикмаларнинг образли асослари аксарият ҳолларда тимсолий мазмун касб этади. Масалан, кишилар у ёки бу ҳислат тимсоли сифатида муайян бир ҳайвон ёки паррандани танлар эканлар, бундай пайтда улар шубҳасиз ўша жониворнинг хулқ-атвори, ташқи кўриниши ва хатти-ҳаракатларига асосланадилар. Бинобарин, халқлар тафаккур йўналишининг, ҳаёт тажрибасининг ўзаро ўхшашлиги, уларнинг турли-туман хулқ-атвор ҳамда ҳислат-хусусиятларга нисбатан муносабатларининг аксарият ҳолларда бир-бирлариникига ўхшашлиги турли тиллар таркибидаги кўпчилик компаратив фразеологик бирликларнинг бир хил образли асосга эга бўлиб қолишлигига олиб келган. [Қ.Мусаев. Таржима назарияси асослари.-Т. 2005. –Б 209]

Турли тиллар компаратив фразеологик бирликлари табиатини кузатиш халқларда умумий ва хусусий тимсоллар мавжудлигини кўрсатади. Аммо бу ҳар қайси тил ифода воситаларининг тарихий тараққиёт натижасида мустақил шаклланганлигини инкор этмайди. Турли тиллар лисоний воситаларининг ўхшаш жиҳатлари мавжудлиги эса, халқлар турмуш тарзидаги яқинликнинг улар тилларида ўз аксини топганлиги билан изоҳланади.

Компаратив фразеологизмларда учрайдиган барча тилларга хос умумий тимсоллар тиллар шаклий тузилиши ва семантик қурилиши жиҳатидан кўп ҳолларда бир-бирларидан фарқ қилсаларда, кўп жиҳатлари билан ўхшаш тимсолларга асосланишига боғлиқ. Масалан, «оқ» сўзи барча халқлар тилида софлик, ростгўйлик, «қора» - *гам-гусса*, *ўлим*, «гул» *гўзаллик* ва *маъшуқа*, «бўри» *вахшийлик* ва *ёвузлик*, «тулки» *айёрлик* ва *муғамбирлик*, «илон» ва «чаён» *зараркунандалик* ва *бадхўрлик* тимсоллари сифатида қабул қилинган. Масалан, ўзбек, рус, корейс тилларида хомсемиз кишиларга нисбатан салбий муносабат «чўчқадек семиз» - *돼지처럼 뚱뚱해요* компаратив фразеологизмлари билан ифодаланади. Ниҳоятда тезлик тимсоли эса, ўзбек тилида ҳам, корейс тилида ҳам «яшин» сўзи билан муқояса қилинади:

Яшиндек тез- 가시 관성 같은 급하다.

Айрим ҳолларда тимсолларнинг қисман ўзгариши ҳам кузатилади. Масалан, ўзбеклар «қушдек енгил» дейишсалар, корейслар «пардек енгил» - *깃 같은 가볍다* дейишади.

Корейс тили фразеологиясида компаратив фразеологик бирликлар катта қатламни ташкил қилади. Бундай фразеологик бирликларнинг грамматик, семантик структураси қатор хусусиятлари билан бошқа типдаги фразеологизмлардан ажралиб туради. Мантиқан олиб қараганда, компаратив фразеологик бирликларнинг вужудга келиши одамларнинг абстракт фикрлашларининг оғзаки ва ёзма нутққа кўчган лисоний натижасидир.

Р.А.Будагов компаратив фразеологизмларнинг мантиқий ва лисоний аспектлари ҳақида гапириб «бизнинг абстракт фикрлашимиз натижасида мантиқий категориялар ҳосил бўлади ва улар нутқ жараёнига кўчиб, тил категорияларига айланади» [14: -С.285] деганида мутлақ ҳақ эди. Бундан лисоний категориялар турли тилларда қандай ўзига хос тушунчалар ифода этишидан қатъий назар, барча тилларда учрайдиган категориядир, деган хулосага келиш мумкин. Дарҳақиқат, ҳар қандай тил турли муқоясага асосланган образли ибораларга бой бўлади. Уларни одатда стилистиканинг тропалар бўлимида ўрганилади ва бир предмет, нарса ёки ҳодисанинг иккинчи бир нарса предмет, ҳодисага қиёсланиши, яъни турли компонентларнинг бирикуви асосида пайдо бўлади.

Корейс тили компаратив фразеологик бирликлари қуйидаги компонентлардан ташкил топади:

1. Қиёсланадиган предмет, нарса, воқеа номини ифодаловчи компонент. Бу компонент бошқа компонентларга нисбатан субъект вазифасини бажаради.
2. Қиёслашда таянч восита вазифасини бажарувчи компонент. Бу компонент одатда образ яратувчи сўз воситасини бажариб у муқоясанинг объекти дейилади.
3. Объект ва субъектни(биринчи ва иккинчи компонентни) ўзаро бириктирувчи қиёсловчи боғловчи.
4. Субъект ва объектнинг умумий белгиларини ифодаловчи, уларнинг ўртасида ишлатилувчи воситачи компонент.

Компаратив фразеологик бирликни нутқ жараёнида қўллаш учун унинг биринчи компоненти (субъекти) бўлиши зарур. Аммо бу субъект доимий бўлмаслиги, бошқа сўзлар билан осонгина алмаштирилиши мумкин. Бу субъектни материал ифодалаш доим ўзгариб туришидан далолат беради, объект эса доимий, яъни, ўзгармай қолаверади. Масалан, юқоридаги компаратив бирликнинг субъекти ҳисобланмиш «바람» компонентини осонгина бошқа феъл билан алмаштириб янги компаратив фразеологик бирлик ҳосил қилиш мумкин:

바람이 프우다

바람이 나다.

Субъект компонентнинг бундай алмаштирилиши объект ифодалаган маънонинг функционаллигига, лексик-семантик хусусиятларига умуман таъсир қилмайди. Чунки улар орасида мустаҳкам мантикий (логик) боғланиш мавжуд-улардан бири иккинчисига ҳам характерли. Умумий бўлган белгини ифодалаб келяпти. Шу сабабли образли қиёслашлар тил бирлиги сифатида икки компонентли ҳосилалар ҳисобланади ва улардан биринчиси иккинчисига ҳам дахлдор бўлган белгиларни, хусусиятларни ифодалаб келади.

Корейс тилида образли қиёслашларнинг компонентлари: -дек, худди, айнан, каби -처럼, -는 만큼, 같은, 마치...처럼 сингари қўшимча ва боғловчилар билан ёки уларсиз бирикади. Бироқ қиёсий компаратив бирликларнинг вужудга келишида энг кўп қўлланиладигани «-дек»~처럼, қўшимчаси ва «худди» 마치...처럼 боғловчисидир. Айнан шу воситалар ёрдамида қўплаб компаратив фразеологик бирликлар яратилганлиги кузатилади. Аммо таъкидлаш жоизки «-дек» боғловчиси билан ясалган барча бирликлар фразеологик бирликлар ҳисобланавермайди, балки муайян муаллиф томонидан яратилган, тилда турғинлик касб этмаган индивидуал компаратив иборалар ҳисобланади.

Образли компаратив фразеологик бирликларнинг семантик структурасидаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиш учун дастлаб уларни бир хил грамматик структурага эга бўлган оддий қиёсий иборалардан фарқини ўрганишимиз лозим. Бу мақсадда қуйидаги икки мисолни қиёслаб қўрамыз:

모텔처럼 날쌔해요

인형처럼 예뻐요

Биринчи мисолда қиёслаш конкрет. Биринчи компонентга (субъектга) хос бўлган сифат (гўзаллик) тенг равишда иккинчи компонентга (объектга) ҳам тегишли эканлиги таъкидланаяпти. Агар биз субъектни ифодаловчи сўзни объектни ифодаловчи сўз билан алмаштирган тақдиримизда ҳам уларнинг синтактик функцияси ўзгарса ҳам, мантикий қиёсланиши сақланиб қолади. Иккинчи мисолда эса субъектга мансуб бўлган сифат яъни гўзаллик объектга нисбатан орттирма даражада ифодаланаяпти. Бу ўринда гўзаллик объектга ва субъектга баб-баравар хос сифат эканлиги ҳақида эмас, субъектнинг объектдан ҳам гўзалроқ эканлиги ҳақида гап кетяпти. Айни пайтда “қўзғрчоқ”, “인형” оти ҳам конкрет маънода эмас образли, кўчирма маънода ишлатилияпти. Шу сабабли ибора таркибидаги “қўзғрчоқ”, “인형”

оти экспрессив-эмоционал функцияни бажараяпти. Яъни чиройли сўзининг маъносини янада кучайтиряпти. Бундай образлилик уларнинг таржимасида қўйидагича ифодаланади:

Моделдек келишган

Қўғирчоқдек чиройли

Демак, образли компаратив бирликлар оддий қиёслашлардан биринчи навбатда компаратив бирликнинг иккинчи компонентининг муайян бир сифат ёки белгининг намунаси сифатида метафорик (кўчма) маънода ишлатилиши билан фарқ қилади. Айни пайтда компаратив фразеологик бирликлар, образли қиёслашлар орқали вужудга келса ҳам, барча образли қиёслашлар тилнинг фразеологик фонидан жой олавермайди. Демак, миқдорий фарқлар нафақат образли ва оддий қиёслашларда, балки образли қиёслашлар ва образли компаратив фразеологик бирликлар орасида ҳам ўзига хос равишда намаён бўлади. Бу фарқларни аниқлаш фразеологик бирликларнинг семантик структурасининг ўзига хос хусусиятларини очиш, уларнинг фразеологик характери илмий асосда далиллашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Авдеева, Л.А., Воронцова, Т.В. Язык одного народа как средства трансляции культур народов мира // Международная конференция «Язык и культура». -М., 2001. - С. 85-86.
2. Апресян Т.Я., Апресян Ю.Д. Об изучении смысловых связей слов. //ИЯШ, 1970, № 2, с. 32-56.
3. Арсентьева Е.Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц. – Казань: изд-во Казанского университета, 1989, -126 с.
4. Бакиров П.У. Универсальные пословицы разных языков обозначающие одну ситуацию. //Бадий таржиманинг лингво-поетик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани. 2012-йил 23-24-ноябр, Самарқанд, 31-32 бетлар.
5. Брюховская Л.С. Язык как инвариант национального менталитета // Международная конференция. «Язык и культура». — М., 2001. -С. 90.
6. Васкин Т.З. Основные способы перевода корейских пословиц и поговорок на русский язык. //Бадий таржиманинг лингво-поетик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани. 2012-йил 23-24-ноябр, Самарқанд, 47-48 бетлар.
7. Телия В.Н. Первоочередные задачи и методологические проблемы исследования фразеологического состава языка в контексте культуры. /Фразеология в контексте культуры. – М., 1999, -С. 13-24.
8. Телия В.Н. Что такое фразеология. -М., 1966.
9. Корейс халқ мақоллари. «Жаҳон адабиёти» , 2005, №5.
10. Лингвистический энциклопедический словарь — Москва, 1990
11. Лим Су. Корейские народные изречения. -М.:Главная редакция восточной литературы. «Наука», 182. -359 с.
12. Шонг эонг Жин. Корейс мақоллари луғати Сеул-Техакса, 2006. - 217 б.
13. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати –Т., “Ўқитувчи”, 1978.

14. Байматова, М. (2022). Проблема перевода и адаптации непереводаемой терминологии (на примере английского и корейского языков). Анализ актуальных проблем, инноваций, традиций, решений и художественной литературы в преподавании иностранных языков, 1(01), 190-19
15. Shuxratovna, B. S. (2022). Koreys adibasi pak van so ijodining o 'ziga xosligi xususida. *Gospodarka i Innovatsije.*, 24, 56-59.
16. Назарова, Ш. (2017). О масштабе реализации феномена транспозиции. *Иностранная филология: язык, литература, образование*, 2(3 (64)), 83-87.
17. Usmonqulovna, B. D., & Aziz To'liqin o'g, A. (2023). O'zbek va koreys tillarida adyektivatsiya hodisasi. *Journal of new century innovations*, 24(1), 46-49.
18. Эшимова, Ш. К. (2022). Personifikatsiya orqali obrazning yaratilishi. *Международный журнал искусство слова*, 5(4).
19. Баёнханова, И. Ф. (2023). Муомала маданиятида нуткий мулоқот одобини ифодаловчи мақолларнинг хусусиятлари. *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches*, (1), 96-100.
20. 윤희수. 관용어의 고정된 어순 분석 // 논문집 10. 금오 공과대학, 1989. – 11 п.
21. 김 문 욱 한-우 사전 도서출판 베텔사 2006